



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 5 февраль,
№12 (979)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ — МУҲОКАМАДА

Ижтимоий шериклик — ўзаро манфаатли ва истиқболли ҳамкорликнинг асоси

Айни пайтда «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси жамоатчилик орасида кенг муҳокама қилинмоқда. Ушбу жараёнда фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида фуқаролар йиғинлари ҳам фаол иштирок этаётир.

■ Бек НАЗАР «Mahalla»

Бугунги кунда ижтимоий шериклик муносабатлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқаролик жамияти институтлари, тадбиркорлик субъектлари ўртасида кенг қўлланиб келинмоқда. Хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фондидинг фуқаролар йиғинлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат ва нодавлат ташкилотлари билан шартнома асосида йўлга қўйилган ҳамкорлиги ижтимоий шерикликка яққол мисол бўла олади. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ушбу ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаб, унинг янада самарали бўлишини таъминлайди.

— Фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқариш органлари ҳаётида муҳим аҳамиятга эга ушбу қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилинаётир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими бошқаруви раиси Абдумажид Сатторов. — Муҳокамаларда ижтимоий шериклик деганда, нима тушунилади, кимлар ижтимоий шерикликнинг субъекти бўлиши мумкин, бу муносабат қайси соҳаларда амалга оширилади, деган саволларга батафсил жавоб берилмоқда. Вилоят адлия бошқармаси, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлими мутахассислари, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилаётган қонун лойиҳаси муҳокамалари довомида уни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар, ўзгаришлар, қўшимчалар киритилаётир.

> [2]

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН



■ Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Ишбилармон кўпайса, ҳудуд обод, турмуш фаровон бўлади

Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани Абдурахмон Жомий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Фарида Аъзамова қўлигул чевар. У яратган либослар бежирим ва нафислиги, айниқса, ўзига хос тиқши услуби ҳамда дизайни билан эътиборни тортади. Ундан хунар ўрганаман, деганлар маҳаллада талайгина.

■ Зебинисо ҲАЙИТОВА «Mahalla»

Фарида опанинг ўзи ҳам бичиш-тиқшига ўқуви бор аёлларга чеварликдан сабоқ беришни ўйлаб юрганди. Аммо уй шароитида бунинг имконини

тополмади. Қўни-қўшиларнинг маслаҳати билан йиғин фаолларига мурожаат қилди. Натيجида маҳалла биносидоги бўш турган хона ажратилиб, 15 нафарга яқин хотин-қиз «Устоз-шогирд» йўналишида иш бошлади.

3600 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган мазкур ҳудудда ёшларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлар сафини

кенгайтириш ва шу асосда аҳоли турмуш даражасини янада ошириш борасида самарали натижаларга эришилоётир. Бунда маҳалла фаоллари ҳамда йиғин қошидаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари буйича комиссия алоҳида ўрин тутди.

Айни пайтда ҳудудда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар асосида ўнга яқин тадбиркорлик субъектлари, 5 та савдо дўкони, 3 та новвойхона, чойхона, тиббий диагностика маркази, дорихона ва ماشий хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли хизматида.

> [3]

ЯНГИ РУКН: ТАРАҚҚИЁТ МАНЗАРАЛАРИ

Имконият ва шароит бирдек тўқис

Республикамиз улкан туристик салоҳиятга эга. Кейинги йилларда ушбу соҳада қатор ишлар амалга оширилса-да, ҳар бир ҳудуднинг бой тарихий мероси, бетакрор табиати, бебаҳо маданий обидалар, зиёратгоҳу муқаддас қадимжолар ушбу соҳада ҳали ишга солинмаган имкониятлар бисёрлигидан далолат беради.

■ Ю.ҲОЖИЕВА «Mahalla»

Мамакатда туризмни ривожлантириш буйича алоҳида Давлат дастурлари қабул қилинаётгани ҳам соҳа ривожига муҳим босқични бошлаб берди. Хоразм, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида бу борада қўллаб-қувватлаш лойиҳалар амалиётга татбиқ этилаётир. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «2013-2015 йилларда Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори вилоятдаги тарихий-маданий обидаларни асраб-авайлаш, улар-

дан туризм ривожига фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ҳудудда янги меҳмонхоналар ва туристик объектлар қуриш, транспорт инфраструктураси ва сайёҳларга хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан яхшилашдек хайрли ишларга туртки берди. Дастур доирасида 20 та замонавий автобус сотиб олиш, «Қарши» аэропортида сайёҳларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган зал очилди, «Китоб» темир йўл бекати биносини таъмирлаш каби ишлар режалаштирилган. Вилоятнинг турли туманларида 30 дан ортиқ янги меҳмонхоналар қуриш ҳам шулар жумласидан.

> [3]

ЖОЙ НОМЛАРИ

Аждодлар мероси қадриятлар бешигидир

Азалдан турли шаҳару қишлоқлар, маҳаллаю кўчалар, боғлар, тоғлар, уммону дарёларгача турфа номлар билан аталиб келган. Жой номларини танлашда дошизманд бобокалонларимиз улар мазмун-моҳиятига жиддий эътибор билан қараганлар. Бирор жойга шунчаки ном қўйилмаган.

■ Тўлкин ЭШБЕК, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Кўп ҳолларда жойлар табиати, манзароси, одамларнинг касб-корига мос ном танланган. Масалан, кўҳна Тошкент шаҳри ҳудудида турфа боғлари билан ном чiqарган маҳаллалар Бодомзор, Ўрик-

зор, Олмазор, Чилонзор, Мевазор, Гулзор, Мингчирок, Теракзор, Тутзор, Арчазор, Қатортол номлари билан аталган.

Хунармандлар истиқомат қилаётган жойлар ўша касб-хунарга уйғун ҳолда Сандикчилар, Қўмирчилар, Ўқчи, Бешикчилар, Тақачилар маҳалласи, деб юритилган. Айрим маҳаллалар танлик хунармандларнинг касб-кори ва номи билан аталган. Масалан, Уста

Ширин, Полвон ота, Олим заргар маҳалласи сингари. Зеро, тарихий илди-илдиликмиз нечоғли бақувват бўлганини жой номлари мисолида кўришимиз мумкин.

«Тошкент энциклопедияси»да маҳаллалар тарихига оид қизиқарли маълумотлар берилган. Жумладан, жой номларида ўзига хос маъно мужассам экан. Кўп маҳаллалар шу ҳудуддаги ариқ, ҳовуз, кўприк, масжид, жой рельефи ҳамда бошқа номлар билан аталган ва аксинча, уларга (кўпроқ масжидларда) маҳаллаларнинг номлари берилган.

> [4]



ЎҚУВ-СЕМИНАР

Маънавият тарғиботчилари билим ва тажриба оширишди



■ Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Юртимизда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилаётир.

■ Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»

Пойтахтимизда Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Маънавият тарғиботчилари асосида фаолият юритадиган тарғиботчиларнинг билим ва тажрибаларини янада ошириш бўйича беш кунлик ўқув-семинар ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан жами 70 нафар киши иштирок этди.

— Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасидаги масъулиятли вазифалардан биридир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Г.Алимова. — Истиқлол йиллари-

да маҳалланинг ташкилий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамлашиб, унинг ваколатлари янада кенгайтирилди. Бугун оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёқарабини юксалтириш — долзарб вазифа. Шу маънода, ўтган давр мобайнида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш бўйича фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Дарҳақиқат, Юртимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда 245 мингга яқин маърифий-маданий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда маҳаллаларга услубий-амалий ёрдамлар кўрсатилган. Шунингдек, бу борада фуқаролар йиғин-

ларида жамоатчилик асосида 7 мингга яқин тарғибот гуруҳлари фаолияти самарали йўлга қўйилди, 6 мингдан ортиқ маҳаллаларда «Маънавият хоналари» ташкил этилди. Бундан ташқари, Дин ишлари бўйича кўмита, Республика Маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолат» ЁИХ Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда маҳаллаларда барқарор диний ва маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлаш мақсадида аҳоли ўртасида диний экстремизм, миссионерлик ҳамда диний ақидапарастликнинг турли кўринишларида барҳам беришга қаратилган 23 мингдан ортиқ давра сўхбатлари ва маърифий тадбирлар ташкил этилди. Уларга 1 миллионга яқин аҳоли, шундан 300 мингдан ортиқ ёшлар жалб этилди.

Маҳаллаларда ўтказилаётган оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий ва тарбиявий тадбирларнинг амалга оширилишига кўмаклашишда йиғин-

лар ҳузурдаги Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиянинг алоҳида ўрни бор. Комиссия ўз вазифаларини амалга оширишда Республика Маънавият тарғибот маркази ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ҳудудий бўлиналари, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг туман (шаҳар) бўлиналари каби бир қатор ташкилот ҳамда соҳа вакиллари, шунингдек, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар билан изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўқув-семинар сўнида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан матбуот анжумани ўтказилиб, иштирокчиларга диплом ва сертификатлар топширилди.

Ўқув-семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Икрамов иштирок этди.



ЖОЙ НОМЛАРИ

Аждодлар мероси қадриятлар бешигидир



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

рининг тарихи бир неча юз йилларга бориб тақалиши сир эмас. Бундай тарихий номлар ҳозиргача соқланиб келаётгани эътиборга моликдир. Маҳаллаю даҳаларни номлашда аждодларимизнинг ана шундай ажойиб аъёнлари ҳамон давом этмоқда. Бир вақтлар маҳаллалар ҳунармандчилик номлари билан аталган бўлса, айтайлик, пойтахт шаҳримиз илму маърифат бўстонига айлана бошлаган кезлардоёқ шунга монанд замонавий номлар вужудга кела бошлади. Уларнинг моҳиятига эътибор беринг: Академиклар шаҳарчаси, Профессорлар шаҳарчаси, Талабалар шаҳарчаси, Шифокорлар шаҳарчаси, Авиасозлар

сир эмас. Ҳа кезларда кўпгина тарихий номлар атай йўққа чиқарилган. Улар ўрнига туб ерли халққа тушунарсиз номлар топиб қўйиларди. Биргина Тошкентдаги кўпгина кўчаларнинг номлари ҳам мўтлақо тушунарсиз эди, яъни «Ц-4», «Ц-5», «Г-30»га ўхшаш номлорни қандай изоҳлаш мумкин? Ахир, ўша жойларда ҳам азал-азалдан инсонлар истиқомат қилиб келишган ва ҳудуднинг асл номи бўлган-ку! Ҳа кезларда қайсибир шахслор номи билан аталган жойларда уларнинг фамилияси нотўғри ёзиб қўйилгани оқибатида кулгили ҳол пайдо бўлган. Масалан, Профессорлар шаҳарчасидаги Ҳўжаев кўчаси кўрсаткичларда «Ҳоджаева» тарикқасида ёзилган. Энди ўша кўчада истиқомат қилувчилардан манзилни сўрасангиз, «Ҳоджаева»да туришни тўқилдоядилар. Илловий хатоси етмаганидек, эркак кишининг фамилияси «аёлники» бўлиб қолганига нима дейсиз? Замирда оламч маъно мужассам умрибоқий номлар, яъни маъно-мазмун кашф этувчи маҳаллалар, қишлоғу шаҳарларимизнинг азалии номлари аждодлардан авлодларга мангу мерос бўлиб қолиши аниқ. Бекиёс маънавий бойликларимиз бисоти бўлган маҳаллаларимизда нафқат номлар, балки яна ўнлоб асл қадриятлар ҳам соқланиб келади. Аждодлардан мерос маҳаллалар астида қадимий қадриятлар бешигидир. Маҳалла, аввало, одамлар бошини қовуштирадиган, жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйиш учун ҳар томонлама қўлай маскан. Одам-

ларнинг ҳар қандай муҳим муаммоси шу ерда бамаслаҳат ҳал этилади. «Қўлдан қуён қочиб қўпилимас», «Маслаҳатли туй тарқамас» деган мақоллар амалда маҳалла фаолиятининг мазмунига, таъбир жоиз бўлса, мақсадига ойланиб кетган. Ҳар бир маҳалланинг кўккаламзорлаштирилган жамоат маркази, масжиди, чойхонаси, аҳолисининг тўй-ҳашамга, азамат-ракага зорур умумий мулк мавжуд. Тўй-ҳашамлар, маросимлар, ҳашорлар маҳаллодошлар ўртосида мудом меҳр ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилаётди. Мамакатимизда маҳалла фаолиятига жиддий эътибор қаратилаётган бугунги кунда аждодларимизнинг ана шу ибратли ишларини изчил давом эттириш ҳам фарз, ҳам қарзидир. Миллий ҳаёт тарзимиз шаклланиши ва авлоддан авлодга маънавий мерос сифатида ўтиб келишида маҳаллаларнинг ўрни бекиёс. Асл миллий қадриятларимизни раванк топтиришда донишманд боболаримиз, аввало, маҳалла мададига таянган. Маҳалла инсон сиймосига мудом жило берувчи миллий тарбиянинг ўчоғидир. «Маҳалла — ота-онанг», «Бир болага етти маҳалла ота-онанг» каби қадимий мақоллар замирида ҳам олам-олам маъно мужассам. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, маҳалла — ихтимойи-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир, халқимизнинг энг сора аъёнлари, ўрф-одатлари, хусусан, меҳр-шофқат, мурувват, тўйда ҳам, азда ҳам эсулусликнинг ҳамжиқатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда.

ҚАДРИЯТ

Кичик музейдаги катта тарих

Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги «Янгиобод» маҳалласи ҳудудида жойлашган 9-умумтаълим мактаби билан ҳамкорликда «Хотира ва қадрлаш» музейи ташкил этилган.

Нигина ШОЕВА «Mahalla»

Хашар йўли билан қад ростлаган маъруз музейда миллодан олдинги II-II ҳамда XVIII-XIX асрларга оид буюмларни кўриш мумкин. Музейдаги осори-атиқалар: қишлоқ ҳўжали асбоблари, оёларимизнинг либослари ва тақинчоқлари, тангашунослик сингари 7 қисмга бўлинган. — Халқимизнинг тарихий мероси билан қанча фахрланасан шунча оз, — дейди «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мирзабек Сайдуллоев. — Буларнинг барчасини ўрганиш, уни бойитиш, қадрлаш, замон талаби асосида тақомиллаштириш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Миллий қадриятлар қомил инсонни тарбиялашда, уларнинг одоб-ахлоқи ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Маҳалломиз фаоли, 9-умумтаълим мактабининг миллий истиқлол ғояси фани ўқитувчиси Ҳабибулло Исмаилов ташаббуси билан фаолият юритётган «Хотира ва қадрлаш» музейидаги буюмлар сони тобора ортмоқда. Юртдошларимизнинг миллий қадриятларимиз ва бой тарихимиз билан яқиндан танишиши, унга ҳурмат ва эътибор билан қарошида ушбу масканнинг аҳамияти бекиёс. Дарҳақиқат, Қушон империяси давридаги кўзалар, аёллар ва эркаклар либосио тақинчоқлари, теурийлар даврида муомалада бўлган тангалар кишини эътиборсиз қолдирмайди. Аини кунда уларни ҳорижий меҳмонлар ҳам томоша қилиб кетишмоқда. Бу ерда ўқувчиларнинг қўл меҳнати билан ясалган тарихий буюмлардан тортиб, аёлларимизнинг қадимги либосларигача топилади. Музейдаги «Ҳарбий ватанпарварлик» бурчаги ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Қуролли Кўчаларимиз фаолиятига оид лавҳалар ва ҳарбий соҳага тегишли буюмлар ёшлар қалбига юртга муҳаббат, уни кўз қорачиндек асраб-авайлаш тўғрисидаги шакллантириш.

2013 йил 8-10 октябрь кўнлари пойтахтимизда бўлиб ўтган «Буюк ипак йўли бўйлаб» 19-Халқаро сайёҳлик ярмаркасида феоал қатнашиб, Сурхондарё вилояти тўғрисидаги туркум экспонатларни намойиш этганлиги учун ўқитувчи Ҳабибулло Исмаилов фахрий ёрлик билан тақдирланди. — Мақсадимиз ёшларга миллий маданиятимиз, қадриятларимиз ва тарихимизни ўргатишдан иборат, — дейди Ҳ.Исмаилов. — Зеро, юрт тарихини билмаган инсон келажак сари интилмайди, бугунги кундаги қадриятларимиз. Музейимиз тиссолида ёшларимиз онига қадриятларимизни асраб-авайлаш, миллий меросимизни ҳурмат қилиш сингари тушунчаларни синдиришимиз. Албатта, қадриятларимизни асраб-авайлаш, буюк ва муқаддас тарихни ўрганиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Тарихий сабоқлар бизни нафақат ҳушёрликка ундайди, балки мустаҳкам иродали бўлишга ҳам ўргатади.

ҚИШ ЗИЙНАТИ

Поклик қасрига сайр



Ўза сурати.

Аёз бобо қор қопчиғини қоқиши, ундан оплоқ учқун ва пирпиракларнинг ийманибгина шохларга қўниши дилмига илҳом, қўлимга қалам берди.

Сабоқат МАКСУМОВА «Mahalla»

Янги йил қиш зийнати тўшаган оплоқ гилмдан аста одиллаб аввал хонадонимиз, кейин қалбимизга кириб келганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Янги йилнинг кут-баракали, файзли бўлишидан дарак бераётгандек, биллур учқунлар қув-

моқда. Қаҳратон қиш қиличини қинида қолдириб, қучоғидаги қувонч қорларини қоқмоқда. Қанча ҳаракат қилса ҳам қиров қалбларимизга аёз нақшини тушира олмага, дераза кўзгуларида аксини кўриш билан қифояланиб, изига қайтмоқда. Изгири шамол эса ўйқудай да-рарларга алла айтиши машғулотини севганис бос тез-тез сайра отланиб, йўл-йўлақай ҳамсоғлари юзига қизиллик жисосини бермоқда. Қиш гилам ёйишини, айниқса, болалар интизорлик билан кутади. Қорбўрон ўйнайди, чана учийди. Замин узра ҳақимликни кўла олган фанс қўнидаги қор парчалари кулуси ҳар қадам босганида зийтлади-я! Ундан ҳамма баҳраманд бўлишга ошиқмоқда. Ана қўлларининг қалтирашига қарамай Қобил, Қодир Қорбобони ростлаб, қорбўронни қойиллаштиришмоқда. Қоланлар — Қўндуз, Қўдрат, Қасиди қордан қаср қуришмоқда. Қарағайдаги қарганинг қағ-қағлаши эса қоя қошидаги қорларни қалтиратгудек.

Жамики инсонлар ҳаёт гаштини лаҳзада ҳис қилмоққа, қиш инволаридан тўйиб-тўйиб баҳраманд бўлмоққа киришган. Атроф кулгу ва шодликлар бешигига айлангандек, гўё. Қиш ҳам таърифига лойиқ бўлмоққа жазм этди чоғи— қаҳратоннинг соғуғи атрофда изғий бошлади. Қаранг, кеча қуёш чехраси гўзаллигига дош беролмай ёш тўққан зарралар ерга етмай туриб сумлакка айланди. Тонг отиши билан улар яна манзилларга равона бўлади... Қалбимиздаги қувонч қўратди қиш қаҳратонини кўрқата олармикми?! Ишончим қомил, нурлар маликаси бу ишда бизга ёрдам беради. Икки ҳамфирқининг зумда бирлашиб, буюк кучга айланганини кўрган қорлар кўёдан қочиб замин бағрини ўзларига макон айлашга тайин. Уларга боқиб ўй-хаёллар салтанатида сайр этади киши. Бир-бирини тақрорламайдиган ажойиб томошалар ҳали поклик қасри эриб битгунга қадар давом этади...

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Мақсадли лойиҳага ишончли таянч

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Бекобод филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, турли мақсадли лойиҳаларнинг кенг жорий этилишига моддий таянч бўлиб келаётган банклардандир.

Бекобод туманидаги қўллаб қорхоналарнинг мустаҳкам оёққа туриб олишида айнан ушбу муассаса молиявий кўмак берган. «Nurshodbek mega farm» масъулияти чекланган жамияти ҳам шулар жумласидан. — Тадбиркорлик соҳасидаги ташаббусларнинг ҳуқуқатимиз томонидан қўллаб-қувватланиши, аёллар тадбиркорлиги йўлида катта имконият ва имтиёзлар яратилгани мен каби ишбилармонларни янгиликка ундади, — дейди жамият директори Наргиза Ярлақובה. — Обод турмуш йилида «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Бекобод филиалидан олинган кредит маблағи эвазига Бекобод туманида дорихона ишга туширдик. Натижда 2 нафар янги ишчи

ўрни яратиди. Тайёр дори воситалари ва тиббий буюмларга талаб доим юқори. Айниқса, Президентимиз томонидан 2014 йилга «Соғлом бола йили» номи берилиши биз тадбиркорларга янада гайрат-шижоат бахш этди. Жорий йилда фаолиятимизни янада ривожлантириб, туманимизнинг чекка қишлоқларидан бирида дорихона филиалини очиб ҳамда яна 2 нафар янги иш ўрни яратишни режалаштирганмиз. Бунда бизга «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Бекобод филиали молиявий кўмак беради, албатта. Ҳукуматимизнинг биз каби аёл тадбиркорлар ҳамда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун яратилган имкониятлар кейинги мақсадларимизни ҳам ойдинлаштираётди.

«Xosiyatbonu pazanda baraka» хусусий қорхонаси раҳбари Хосият Амоноа: — Мамакатимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга имтиёзлар яратиш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар менга илҳом берди. Мен уз тадбиркорлигимни йўлга қўйдим. Обод турмуш йилида «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Бекобод филиалидан олинган имтиёзли кредит маблағлари эвазига қандолатчилик цехимизни ишга туширдик. Қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариб, элимиз дастурхонини тўлдиринишга ҳисса қўшаётганмиздан мамнунмиз. Қувонгарис, 5 та янги иш ўрни яратилди, 5 нафар II гуруҳ ногирони меҳнатга жалб этилди. Соғлом бола йилида қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга умумий овқатланиш фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирганмиз. Албатта, бунда яна «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Бекобод филиалининг моддий кўмагига таянамиз.



Грипп таҳдиди

Мексикада А(Н1N1) гриппи пандемиясига чалинганлар сони ортмоқда.



Касаллик билан оғриган 2235 кишидан 251 нафари

ҳаётдан кўз юмган. Мамакатда гриппдан, жумладан, А(Н1N1) билан қўшиб ҳисоблаганда 273 нафар киши нобуд бўлган. Пандемия асосан Сан-Луис-Потоси, Нуэво-Леон, Мехико, Идальго, Агуаскальентес ва Сакатекас штатларида кенг тарқалган. Унинг олдини олиш учун барча чоралар ишга солинмоқда.

Титанозаврларнинг янги тури

Палеонтологлар Хитойнинг Ганьсу вилоятидан титанозаврларнинг янги тури қолдиқларини топишди.



Бу ўтхўр судралувчилар қарийб 100 миллион йил илгари яшаган.

ҳанузгача уларнинг қайси хайвонга тегишлилигини аниқлаш олишмаганди. Қолдиқлар улкан сут эмизувчининг тишлари, умурткасининг бир неча қисми, қовурғаси, курак суякларини ўз ичига олади. Таҳлиллар суяклар илгари номаълум ўтхўр динозаврлар гуруҳига мансублигини кўрсатди. Унча битишиб кетмаган ёлқа суяклар судралувчи ўтхўр пайтда ҳали ёш бўлганини аниқлади. Одатда улар танасининг узунлиги 15-19 метрга боради.

Илк хотиранинг ўчиши

Олимлар болаларнинг илк хотиралари улар етти ёшга етганда ўча бошлигини аниқлашди.



Бу фанда болалар амнезияси, деб аталади. Гарчи гўдақлар хотирадан янги ахборотларни ўзлаштириш сифатида фойдалансалар-да, фақат жудаём оз сонли катталар ўзларининг уч ёшларигача бўлган воқеаларни эслай олишади.

Эмори университети ходимлари 83 нафар уч ёшгача бўлган болани уларнинг ҳаётидаги воқеалар юзасидан сўхбатга тортишган. Кейинчалик олимлар жажжилар 5, 6, 7, 8 ва 9 ёшга тўлганида бу билан яна қизиқишди. Тадқиқотда қайд этилишича, гўдақлар уч ёшдан бошлаб «ўтмиш»ларини батафсил гапириб бера олишади. Бола 5-7 ёшда ўзи билан боғлиқ воқеаларнинг 63-72 фоизини, 8-9 ёшда эса фақат 35 фоизини эслайди. Олимларнинг фикрича, болалар амнезиясининг сабаблари уларнинг хотира ёрдамида тил ва теваарат-атрофни ўрганишлари билан боғлиқ. Бунинг боиси уларда ҳали нисбатан қийин хотира шамойилларини шакллантириш ва сақлаб қолиш учун мураккаб нейронлар тўзилиши мавжуд эмас.

Интернет материаллари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.



Спорт хабарлари

Эркин кураш

АҚШнинг Колорадо Спрингс шаҳрида эркин ва юнон кураши бўйича аънаваный халқаро турнир ўтказилди.

Унда ёш полков Б.Абдурахмонов 70 килограмм вазн тоифасида кумуш медални қўлга киритди.

Осиё чемпиони ва жаҳон чемпиони совриндори Э.Тасмуродов Туркия-

да ўтказилган халқаро турнирда иккинчи ўринни эгаллади.

Юнон-рум кураши

Осиё чемпиони ва жаҳон чемпиони совриндори Э.Тасмуродов Туркия-

да ўтказилган халқаро турнирда иккинчи ўринни эгаллади.

Футбол



Бу йил Осиё чемпионлар лигасида иштирок этадиган Қаршиннинг «Насаф» жамоаси Бирлашган Араб Амироликларида ўтказилаётган ўқув-машғулот йиғини доира-сида гул ўртоклик учрашувини Россиянинг «Урал» жамоасига қарши ўтказди. Урашувда Ҳ.Қаримов киритган ягона гол жамоага галаба келтирди.



Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви



Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодий ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73



Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ. Саҳифаловчи: Л.Мейликлов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Ҳожиева
Нашр навбатчиси: Н.Ҳайдаров

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида chop этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — МУҲОКАМАДА

Ижтимоий шериклик — ўзаро манфаатли ва истиқболли ҳамкорликнинг асоси



Мустақил йилларида фуқаролар йиғинлари миллий ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида қайта тикланди. Табиийки, ҳар қандай фаолиятнинг самараси, аввало, унинг қонунийлиги билан баҳоланади. Шу боис қонуннинг муқамал бўлиши унинг қанчалик кенг доирада муҳокама қилиниши, турли тақлиф ва мулоҳазалар ҳисобга олинганда ҳам муҳим ўрин тутди.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

«Оила тинч, болалар шод улғайса бас»

Бекзод Рустамов Ургут туманидаги «Юқори Тегана» маҳалла фуқаролар йиғини хузуридаги «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори. Ёш йигитни ушбу масъулиятли вазифага тайинлаб адашишмаганини бугун маҳалладошлар эътироф этиб чарчамайди. Ҳатто унинг тажрибасини ўрганишни истовчилар ҳам оз эмас.

Юлдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»

Ёш сардорнинг саяҳатлари пухта режа, аниқ мақсадга асосланган. У дастлаб посбон йигитларнинг энг муносибларини — эл-юрт тинчлиги учун жон қотайдиган, бошқаларга одоби, билими билан ўрнатилган тенгдошларини тўлади. Маҳалладаги ҳар бир кўчани уларга бириктириб, ҳудуддаги вазиятдан мунтазам хабардорликка эришиди.

Маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда ҳамкор ташкилотлар билан ахборот алмашувини тизимли йўлга қўйгани сардорнинг муваффақиятларига замин ҳозирлади.

«Юқори Тегана»да аҳоли, айниқса, вояга етмаган ёшлар ўртасида олиб борилаётган тарбиявий самара бермоқда, — дейди фуқаролар йиғини раиси Комил Топшўлатов. — Обод турмуш йили давомида ҳудудда жиноят ва ҳуқуқбузарлик у ёқда турсин, қондабузарликлар ҳам қайд этилмагани айнан шу йигитнинг саяҳат-ҳаракатлари самарасидир. Маҳалладаги кўплаб низоли оилаларда тинчлик ҳукми суришига эришилди. У ўз ишига ўта талабчанлик билан ёндашади. Жумладан, профилактик ҳисобда турувчи 10 нафар муқаддам судланган, 3 нафар диний экстремизмга мойил шахснинг олоҳида назоратга олган. Уларнинг кўнглига йўл топиб, ширин муомалада сўхбатлашди, режалари, мақсадлари билан доим қизиқди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ғамхўрлик юксак, аммо хулосалар ҳам жиддий

Илҳомжон оилада ёлғиз ўғил эди. Шу боис эркатой, қайсар, айтганини муҳайё қилдирадиган бўлиб улғайди. Ҳаюл меҳнати орқали рўзгор тебратган ота-онаси анчагина кексайиб қолишган бўлса-да, қафддек томорқасида куйманиб, мол-ҳол боқиб, ўғлини уйлантириш, юртга олиб бериш орзусида тиним билешмасди.

Ю.ҲОЖИЕВА «Mahalla»

Тўй ҳақида ширин энтиқиб сўзлашар, бир-бирдан зебо қизларни келинликка мўлжаллашарди. Ана шундай кунларнинг бирида алламаҳалда уйга келган ўғилнинг бежо кўзлари онани чўчитди. Бироқ қайси бир она юраги остида кўтариб, оқ сўт бериб ўстирган дилбанди ҳақида ёмон ўйга боради, дейсиз.

Аммо эртасига уйга ички ишлар идораси ходимлари келиб, ўғлини олиб кетишганида, ҳаммасидан ёмони, маҳаллада унинг қилмиши — бир оғизга аёлга зуғум қилгани ошқор бўлганда онаизор ўзини кўярга жой топплади.

— Қилган айбим учун Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани суди томонидан Жиноят кодексининг 118-моддаси билан жазога тортилдим, — дейди И.Маназаров. — Президентимизнинг ғамхўрликлари туйғули 11 ой ичида амнистия акти билан оиламга қайтдим. Утган вақт менга бир умрлик сабоқ бўлди. Йигитлик — умринг баҳори, дейишди. Ушбу гўзал палла-темир панжаралар ортда ўтказиш — жуда аянчли, жуда мудҳиш. Қилган ишим ҳар қанча жирканч бўлмасин, мени кечиринди. Ҳоётимни бошқатдан бошлашга, олтидан қиммат вақтимдан оқилана фойдаланишга имкон берилди. Қалбимдан кечаётган ҳис-ҳаяжонни сўз билан изҳор эта олмаيمان. Аммо шунга аниқ айта оламанки, бундан буён менга

ЗАМОНАВИЙ ҚВП

Ширин сўз — дарднинг ярим давоси

Яққобог туманидаги Дархон қишлоқ врачлик пункти намунали тиббиёт масканлардан бири ҳисобланади. Бу ерда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорлигида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Нилуфар ЮНУСОВА «Mahalla»



ишонган, қўллаган, бағрида авайлаб ўстирган жонажон юртим истиқболи учун бутун куч-қудратини оямай меҳнат қилман.

Президентимизнинг тақдирномасига биноан Олий Мажлис Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллиги мунособати билан амнистия тўғрисида»ги қарори фарғоналик И.Маназаров каби юзлаб кишиларга ана шундай иштиёқ, ўзига ишонч, аниқ мақсадлар сари интилиш берди. Шуниси ҳам борки, дунёнинг бирор-бир ривожланган мамлакатиде амнистия акти оммовий равишда қўлланилмайди, балки бу жараён яқка тартибдагина амалга оширилади. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига ҳурмат, демократик тамойилларга содиқлик шунчалар бонанд, унинг шаъни шу қадар юксакдир.

«Амнистия» сўзи мазмун-моҳиятига кўра, «унутиш», «кечириш» каби маъноларни англатади. Бағрикенглик, инсонпарварлик эса халқимизга хос фазилатлар. Шу боис юқоридagi қарор ижросини тўлақонли одо этиш мақсадида фақатгина суд идоралари эмас, балки кенг жамоатчилик томонидан улкан ишлар амалга оширилоётди. Қатор вазирлик, давлат ва жамоат ташкилотлари билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам бу борадаги масъулияти залворли.

Оздодликка чиққанларни ижтимоий ҳоётга мослаштириш, уларнинг қайта жиноятга қўл урмасликлари, тўғри йўлдан оғишмай яшашлари учун кадрдонларга йўл-йўриқ кўрсатиш

мияти институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўзаро муносабатининг муҳим соҳаси эканини алоҳида эътироф этишмоқда.

— Қонун лойиҳасида давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро муносабатларидаги чегара аниқ белгиланган бўлиб, ҳамкорликни йўлга қўйишни янада такомиллаштириш имконини беради, — дейди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Жиззах ҳудудий бўлинимаси бош мутахассиси Элёр Собиров. — Ушбу муносабатларнинг тартибга солиниши томонлар жавобгарлигини кучайтириш билан бирга, ходимлар манфаатларини ҳимоялаш устидан жамоатчилик назоратининг кучайтирилишини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, янги қонун давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда мустахкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

тишда маҳаллачилик таъсир ўткази оладигани кам. Фарғона вилояти Фуркат тумани Шунқор қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари И.Маназаровни очик чеҳра ва самимиёт билан қарши олишди. Йиғин раиси Нейматжон Мирзаев йигитнинг қизиқлигини — тасвирга туширишга иштиёқлигини назорат, унинг ҳоётда қоқилмаслиги сеvimли машғулотли билан шуғулланишига ҳам боғлиқ, деган хулосага келганди. Айни пайтда йиғин томонидан унинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши, хусусий студия очиб, эл-юртга хизмат қилишни ташкил этиши учун зарур хат-ҳужжатлар тайёрланаётди.

— Ушбу қарор туйғули қишлоғимизга 2 нафар фуқаро қайти, — дейди раис. — Уларга моддий ёрдам ажратилди, тиббий кўриқдан ўтказилди. Аддошган қишлоқдошларимизни ишга жойлаштиришда туман бандлик кўмаклашиш маркази билан мустаҳкам ҳамкорлик қилдик. Улардан бири тадбиркорликка йўналтирилган бўлса, яна бири — Музаффар Ҳожиматов ҳудуддаги «Наваҳорлик Иброҳим» фермер хўжалигида меҳнат қилмоқда.

Шунқорлик фаолларнинг бугун ишлари қизгин. Айниқса, йиғин хузуридаги «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори Комилжон Ҳошимов, профилактика инспектори Рустамжон Махмудов ҳудудда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳар бир хонадонда осойишталик ҳукми суриши учун кўчабошлиқлари билан бирга тизимли чора-тадбирларни амалга оширишаётди. «Мақсадимиз битта, — дейди улар. — Инсон манфаатлари қадрланган юртимизда қонунларга ҳурмат, одамлар ўртасида меҳр-оқибат доимо кучли бўлсин».

Дарҳақиқат, қўламли бўлган йилги фаолият сермахсус бўлди. Мамлакатимизда кучли ва очик фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга демократик институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонунларни тайёрлаш, шу йўналишдаги амалдаги қонунларнинг ижросини назорат-таҳлил тартибиде ўрганиш ҳамда турли тадбирлар ўтказиш орқали бу борадаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича қатор ишлари амалга ошириди. Жумладан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг масъулиятлари сайлолу тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари янги таҳрирда ҳамда мазкур қонунлар билан боғлиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун ҳам қўмита масъулига да қобул қилинди.

Шунингдек, тадбирда 2013 йилда қўмита томонидан қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш юза-

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Масъулият, дахлдорлик ва фаоллик устуворлик касб этган



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2013 йилдаги фаолияти яқунлари ва 2014 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Фарҳод ЭСОНОВ «Mahalla»

Тадбирни кириш сўзи билан очган мазкур қўмита раиси А.Саидов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада жараёнда жамоат тузилмаларининг ҳаётимиздаги ўрни ва роли тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

— Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳоётга татбиқ этилаётгани бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омили бўлаётди, — деди А.Саидов. — Қўмитамиз бу борадаги ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, қонунлар ижросини назорат-таҳлил тартибиде ўрганиш, демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишга қаратилган кенг қўламли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Дарҳақиқат, қўмитанинг ўтган йилги фаолияти сермахсус бўлди. Мамлакатимизда кучли ва очик фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга демократик институтлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонунларни тайёрлаш, шу йўналишдаги амалдаги қонунларнинг ижросини назорат-таҳлил тартибиде ўрганиш ҳамда турли тадбирлар ўтказиш орқали бу борадаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича қатор ишлари амалга ошириди. Жумладан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг масъулиятлари сайлолу тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари янги таҳрирда ҳамда мазкур қонунлар билан боғлиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун ҳам қўмита масъулига да қобул қилинди.

Шунингдек, тадбирда 2013 йилда қўмита томонидан қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш юза-

сидан бир неча назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилгани, бу жараёнда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилгани таъкидланди.

Яна бир эътиборга молик жиҳати, қўмита иштирокида хорижий мамлакатларнинг парламентаризм ва демократик ислохотлар соҳасидаги тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимизда бу йўналишда эришилган тажрибаларни оммалаштириш юзасидан қатор халқаро анжуманлар, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар ташкил этилди.

Анжуманда қўмита аъзолари тегишли қонун ёки қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси синови бўйича ўтказилган ҳуқуқий эксперимент жараёни, оммовий ахборот воситалари билан ҳамкорлик масалаларида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги марбузосида борча соҳаларда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш борасида белгиланган кенг қўламли вазифаларни ҳоётга татбиқ этиш депутатлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди, — деди қўмита аъзоси А.Эшмуродов. — Ушбу вазифалар ижросини таъминлашда мамлакатимизда демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонунчиликни такомиллаштириш, қонунлар ижроси юзасидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, бу жараёнда жамоат тузилмаларининг ролини янада ошириш ва улар ўртасида ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда қўмитанинг 2014 йилдаги иш режаси хусусида ҳам маълумот берилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олишди.

корлигида ўтказиб келинаётган «Соғлом она — соғлом бола», «Илҳомлик — иллат», «Тўйдан олдинги тиббий кўриқ», «ОИТС ва унинг салбий оқибатлари», «Одам савдосига қарши кураш» каби мавзулардаги тадбирларда тиббий кўриқнинг инсон саломатлиги учун нечоғли муҳимлиги муҳокама қилинди. Маҳалла ва шифо маскани ўртасидаги ҳамкорлик фақат бу ишлар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Маҳалланинг соҳаватеша кишилари ҚВПдаги шарт-шароитларни янада яхшилаш учун ўзларининг амалий ёрдамларини аяшмайди. Тиббиёт муассасаси билан маҳалланинг изчил ҳамкорлиги эса аҳоли соғлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этётди.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Ишбилармон кўпайса, ҳудуд обод, турмуш фаровон бўлади



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

қонун доирасидаги ваколатларидан келиб чиққан ҳолда тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлганларга керакли тавсия ва кўникмалар бериб, банк томонидан кредит маблағлари олишга кўмаклашмоқда.

тиш шохобчасини ишга тушириди. Натижада яна 20 нафарга яқин ёш ишли бўлди.

— Фаолиятимизни бошлашда — бизнес-режа тузиш йўл-йўриқлари, соҳага оид қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-таомиллар, имтиёзлар, давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотларни олишда йигини қошидаги Тadbиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиянинг ёрдами бекиёс бўлди, — дейди З. Ҳужаев.

Абдуҳамид Воҳидов эса ака-укалари билан биргаликда пластмасса қувур ҳамда плёнка ишлаб чиқарувчи цех очди. Айни пайтда ўнга яқин маҳалла ёшлари доимий иш жойига эга бўлди.

БОЛАЖОН ТАДБИРКОР

Кичкинтойлар учун махсус пойабзал

Бир ярим ёшли Ҳумоюн атак-чечак қилиб юра бошлади. Унинг тез қадам босиши, ҳаракатчанлигидан онаси мамнун. Икки ёшга тўлганида боланинг тавон босишида норасолик борлиги сезила бошлади.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Сарафроз Илҳом қизи.

Мутахассисларнинг фикрича, қомакнинг шаклланишида оёқ қафтининг тузилиши катта аҳамиятга эга. Кўпинча болаларда ривожланмаган ясситовонлик уларни кам ҳаракатланишга, оёқлари оғирлидан шикоят қилишга мажбур қилади.

Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалла фуқаролар йигинида яшовчи Дмитрий Трегубов йигин фаолларининг таклифи ва маслаҳати билан болажонлар учун айнан шу турдаги махсус оёқ кийими тикишни йўлга қўйди.

— Дастлаб ушбу йўналишда иш бошлашга бироз чўчим, — дейди тadbиркор. — Чунки нафақат болалар пойабзали, балки уларнинг саломатлигига дахлдор маҳсулотларни ишлаб чиқариш алоҳида масъулият талаб қилади.

ЯНГИ РУКН: ТАРАҚҚИЁТ МАНЗАРАЛАРИ

Имконият ва шароит бирдек тўқис

2016 йилгача мўлжалланган дастурнинг амалга оширилиши учун турли манбалардан 101 миллион АҚШ доллари миқдоридо маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда.

— Яқинда Қарши шаҳрида тўрт юлдузли «Қаёт» меҳмонхонаси фойдаланишга топширилгани ҳам айнан ушбу дастур доирасидаги саъй-ҳаракатлар самарасидир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондидини Қарши шаҳри бўлини маси раиси Нуралӣ Маҳматқулов.

— Яқинда Қарши шаҳрида тўрт юлдузли «Қаёт» меҳмонхонаси фойдаланишга топширилгани ҳам айнан ушбу дастур доирасидаги саъй-ҳаракатлар самарасидир, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондидини Қарши шаҳри бўлини маси раиси Нуралӣ Маҳматқулов.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

Янги корхона — ЯНГИ ИМКОНИАТ

Президентимизнинг 2013 йил 2 августдаги «2013-2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги Қарори асосида ўтган йилда ҳудудда 266 та янги лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

Санобар БОЙМУРОДОВА «Mahalla»

Улардан бири Қитоб туманидаги Пахтаобод қишлоғида фаолият бошлаган «Safe Karb» масъулияти чекланган жамиятидир. Ушбу Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида табиий бўр (микрокальцит) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ҲУНАРДАН УНАР

Ўз касбининг устаси



Юсуф АБДУЛЛАЕВ.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги Ҳабибий номли маҳаллада истиқомат қилувчи уста Раҳимберди Бозоровни ҳудуднинг ёшун қариси яхши танийди. Ишининг пухталлиги, хушмуомаласидан мижозлар мамнун.

Раҳимберди Бозоров ёшлигидан касибчиликка ўзгача меҳр қўйди. Шу боис мактабни битиргач, уста касиб Козимжон Болтабоевга шогирд тушди.

— Дунёда касблар кўп, бироқ ҳар бирининг ўзига хос томони, машаққати ва завқи бор, — дейди уста. — Ёшлигимдан шу ҳунарга қизиқдим.

Устанинг Ҳабибий номидаги маҳаллада иш бошлашида йигин фаоллари яқиндан кўмак беришди. Халқимизда: «Ҳунари борнинг олтин биллани бор», дея бежиз айтилмаган.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

Улардан бири Қитоб туманидаги Пахтаобод қишлоғида фаолият бошлаган «Safe Karb» масъулияти чекланган жамиятидир. Ушбу Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида табиий бўр (микрокальцит) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ASAKA BANK advertisement with logo and text: ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «АСАКА» БАНК (ОАЖ) қўйидаги мудиатли омонат турларини таклиф этади: «МУСТАҲКАМ ОНАА», «ФАРОВОН ТУРМУШ», «ШОДИЁНА» (АҚШ долларлари), «СТАБИЛЬНЫЙ-1» (Еврола).